

JÁMIYETLIK HÁM GUMANITAR ILIMLER

Tariyx. Huqıqtanıw. Ruwxıylıq tiykarları

1917-1922 ЎИЛЛАРДА АМУДАРЁ БЎЛИМИДА СОВЕТ ДАВРИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Абдуллаев Анвар Атамуратович – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
anvarabdullayev8319@gmail.com

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

ИСТОРИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ СОВЕТСКОГО ПЕРИОДА И ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ АМУДАРЬИНСКОГО ОТДЕЛЕНИЯ В 1917-1922гг

Абдуллаев Анвар Атамуратович – доктор философии по историческим наукам, доцент
Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

HISTORICAL STUDY OF THE SOVIET PERIOD AND THE PERIOD OF INDEPENDENCE OF THE AMUDARYA BRANCH IN 1917-1922

Abdullaev Anvar Atamuratovich – Doctor of Philosophy in Historical Sciences, Associate Professor
Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Таянч сўзлар: Туркистон, Совет даври, мустақиллик даври, халқаро ҳуқуқ, кўзғолонлар, фавқулодда комиссия, шариат ва одат, совет суд тизими, прокуратура, конун устуворлиг, ҳуқуқшунослик, халқ.

Резюме XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-маъмурий, иқтисодий соҳада ўзига хос равишда юрисдикция амалга оширилганлиги, ўлка аҳолиси сиёсий-иқтисодий, маънавий жиҳатдан қарам бўлиб, назоратда ушлаб турилганлиги ва ҳудудда юз берган халқ кўзғолонлари метрополиянинг сиёсий инқирози сифатида илмий асосланган.

Ключевые слова: Туркестан, советский период, период независимости, международное право, восстания, чрезвычайная комиссия, шариат и обычаи, советская судебная система, прокуратура, верховенство закона, юриспруденция, народ.

Резюме. В конце XIX – первой четверти XX в. Туркестан обладал уникальной юрисдикцией в политико-правовой, социально-административной и экономической сферах, население страны было политически, экономически и духовно зависимо и находилось под контролем, а народные восстания в регионе научно обосновывались политическим кризисом метрополии.

Key words: Turkestan, Soviet period, period of independence, international law, uprisings, emergency commission, Sharia and customs, Soviet judicial system, prosecutor's office, the rule of law, jurisprudence, people.

Summary. At the end of the 19th century and the first quarter of the 20th century, Turkestan had a unique jurisdiction in the political-legal, social-administrative, and economic spheres, the population of the country was politically, economically, and spiritually dependent and kept under control, and the popular uprisings in the region were scientifically based as a political crisis of the metropolis.

Кириш. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиё минтақалари тарихини ўрганиш бўйича қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан, суд тизими мустақиллигини таъминлаш, судлов тизими ва судлов самарадорлигини ошириш масалалари очиб берилган. Шунингдек, мустамлака ҳудудлари, хусусан, Туркистонда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-маъмурий, иқтисодий соҳада ўзига хос равишда юрисдикция амалга оширилганлиги, ўлка аҳолиси сиёсий-иқтисодий, маънавий жиҳатдан қарам бўлиб, назоратда ушлаб турилганлиги ва ҳудудда юз берган халқ кўзғолонлари метрополиянинг сиёсий инқирози сифатида илмий асосланган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин давлатчилик тарихида мутлақо янги тизим яратилди. Халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларини ўрганиш, шунингдек, миллий конунчиликда умуминсоний ва умуммиллий ҳуқуқий меъёрлар ва қадриятларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро даражада дунёнинг бир қатор давлатлари билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ соҳасида тадқиқотлар ўтказиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди.

Хусусан Совет даврида чоп этилган тадқиқотларда, хусусан Х.С.Сулейманованинг асарларида [1]

Туркистонда империя даври судларининг ташкил этилиши, қози ва бий судларининг аҳволини ўрганиш билан бирга, Ўзбекистонда совет судларининг ташкил этилиши масаласи атрофлича ёритилган. Аммо, мазкур асарларда Амударё бўлимидаги суд-ҳуқуқ тизими эътибордан четда қолган.

Ш.Уразаев [2] асарларида давлат бошқаруви, олий ва маҳаллий давлат органларининг ташкил этилиши, Н.Мильштейн [3] Туркистондаги фавқулодда комиссиялар, Ф.Бакиров [4] асарларида, Н.И.Абидованинг [5] номзодлик диссертациясида Туркистонда шариат ва одат, совет суд тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, шунингдек, прокуратура органларининг тузилишини тартибга солишчи меъёрий ҳужжатлар, прокурорлик назорати ва унинг асосий хусусиятлари, фаолияти ҳақида қўлаб маълумотлар илмий исътемолга киритилган. Аммо, бу тадқиқотларда Амударё бўлимидаги суд тизими эътибордан четда қолган.

Совет даврида Туркистон, Хива хонлигидаги маъмурий ҳуқуқий тизим, давлатчилик тарихига бағишланган бошқа тадқиқотларда ҳам Амударё бўлимидаги суд-ҳуқуқ тизими тарихи ўз аксини топмаган.

Бевосита Қорақалпоғистон тарихига оид [6], Я.М.Досумов [7], Ж.Уббиниязов [8], Т.Г.Тўхтаматов [9], К.А.Палуаниязов [10], А.Тореев [11], С.Камалов [12], Х.Дж.Садыков [13] тадқиқотларида эса, Амударё бўлимидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, урф-одатлар, суд-ҳуқуқ тизими фаолияти қисман ўз аксини топган.

Хусусан, А.Садыков, Т.Тўхтаматов асарларида [14] Россия билан Ўрта Осиё хонликларининг ижтимоий-сиёсий муносабатлари Амударё бўлимининг пайдо бўлиши, мустамлака маъмуриятининг ташкил этилиши, унинг бошқарув тизими, суд органлари ҳақида умумий маълумотлар берилсада (67 бет), қози ва бий судлар, дунёвий судлар фаолияти чуқур таҳлил этилмаган.

Асосий қисм. Қорақалпоғистонда совет давлатчилиги ва суд тизими ҳуқуқшунослик нуктаи назаридан Л.Ахунджанов [15] асарида совет мафқураси андозалари доирасида ёритилган.

Умуман, совет даврида чоп этилган тадқиқотлар таҳлиладан маълум бўлишича, улар назарий, концептуал ва ғоявий жиҳатдан ҳукмрон мафқура доирасидан четга чиқа олмаганлиги боис, қўйилган масалалар илмий жиҳатдан чуқур ва атрофлича ўз ечимини топа олмаган.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ўтмишга, тарихга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Уни ҳолис ва тўғри ўрганиш масаласига эътибор қаратилди. Давлатчилик тарихи, хусусан унинг таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими тарихига эътибор кучайди.

Мустақиллик даврида чоп этилган асарлар таҳлили борасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов асарлари муҳим аҳамиятга эгадир [16]. И.Каримов ўз асарларида мустақил Ўзбекистон давлатининг суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашда суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган долзарб вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, прокуратура тизимини ислоҳ қилиш, уни совет давридагидай партия элитаси қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг бажарилишини, мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган тизимга айлантириш ҳақида муҳим фикр ва мулоҳазалар билдирган ва долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Айниқса, 2017 йил 22 декабрь куни мамлакат тарихида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга тақдим қилган Мурожаатномасида [17] Ўзбекистоннинг келажакдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари ўз ифодасини топди. Хусусан, «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғояга яна урғу берилиши давлатчилик тарихида туб бурилиш ясади. Сўнгги йилларда республикада прокуратура тизимидаги кадрлар фаолияти билан боғлиқ муаммолар кун тартибидаги долзарб масалалардан бирига айланди.

Мустамлака йилларида Ўзбекистон тарихчилари мустамлака тузум шароитида ўлкада юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар таҳлилига

алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, Х.Зиёев [18], Д.Алимова [19], Ф.Исхаков [20], Н.Абдурахимова [21] каби муаллифлар [22] томонидан яратилган асарларда бу жараёнлар илк бор ўзининг ҳолисона баҳосини топди.

Ушбу давр бўйича кенг қўламли тадқиқот ишларини олиб борган Д.Х.Зияева [23] Туркистон тарихини ўрганишда большевиктик концепциянинг шаклланиш жараёни, унинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарашларга, тарих фанидаги тадқиқотлар моҳиятига таъсирини миллий озодлик қураши тарихшунослиги мисолида ёритиб берди.

Олиманинг [24] Ўзбекистон шаҳарлари тарихига оид сўнгги тадқиқотларида Хива хонлиги ҳамда Амударё бўлимидаги шаҳарлар тарихи, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрнига оид муҳим маълумотлар қайд этилган. Шаҳар манзилгоҳлар, шаҳар бозорлар, волостлар, овуллар, қишлоқ жамоалари, оқсоқолликларнинг жамият ривожидagi ўрни алоҳида кўрсатилган бўлиб, уларнинг маъмурий, ижтимоий-сиёсий аҳолига тегишли қимматли фактлар берилган.

Бевосита XIX асрнинг охири XX аср бошларида Ўрта Осиёда суд тизими ривожланиши, совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсатига бағишланган М.Ҳайдаров [25], Н.С.Зайнобидиновнинг [26] номзодлик диссертациясида Туркистон, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида давлат бошқаруви ва суд институтлари, Д.П.Камолов [27] тадқиқотида Туркистон АССРда судларнинг ташкил топиши, фавқулодда совет судлари фаолияти, А.Ерметов [28] тадқиқотида Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни ва фаолияти, Т.М.Бобоматов [29] тадқиқотида эса, 1865-1917 йилларда жазо органлари фаолияти, полиция хизматининг қатагон усуллари, ҳарбий суд комиссиялари, турмаҳоналар тарихи ўз аксини топди. Уларда қози ва бий судларининг фаолияти Туркистон мисолида ёритилсада, Амударё бўлими эътибордан четда қолди.

Давлат ва ҳуқуқ тарихига бағишланган тадқиқотларда, хусусан ҳуқуқшунос Ш.А.Ишанованинг [30] тадқиқотида Ўрта Осиёда шариат нормалари асосида иш олиб борган Хоразм ва Бухоро халқ совет республикаларидаги қози судлари фаолияти, Х.А.Кабуловнинг [31] номзодлик диссертациясида Қорақалпоғистонда суд органларининг пайдо бўлиши тарихий-ҳуқуқий нуктаи назардан ўз аксини топди.

М.Махбубовнинг [32] докторлик диссертациясида Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиши масаласига ҳуқуқшунослик нуктаи назаридан таҳлил этилди. Аммо, совет мустабид тузуми прокуратураси совет тизимини мустаҳкамловчи органлардан бири бўлганлиги, унинг мақсад-моҳиятига етарли эътибор қаратилмади.

Қорақалпоғистонлик олимлардан Б.А.Қощанов [33] Амударё бўлимидаги 1917-1922 йиллардаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, ўлканинг советлар томонидан ҳарбий полигонга айлантирилганлиги, совет ҳокимиятига қарши бўлган қучлар фаолияти ҳақида мулоҳаза юритиб, қизиқарли маълумотлар келтирган.

Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида яратилган янги тарихий тадқиқотларда, хусусан, М.С.Сейтназаров [34] ўлкадаги миллий озодлик ҳаракати, Р.Х.Сапаев [35] Хоразм республикаси таркибидаги Қозоқ-қорақалпоқ автоном вилоятининг ташкил этилиши, Н.Таўмуратов [36] Амударё бўлимида ички ишлар бўлими ходимларининг халқ судлари ва уларнинг ҳукмларини бажо келтириши жараёни, М.А.Қарлыбаев [37] ўлка аҳолисининг маънавий дунёси, қарашлари, Ш.Бабашев [38] советлар томонидан амалга оширилган қатағон сиёсати, М.А.Джумашев [39] Амударё бўлимидаги инқилоб ва тўнтариш даврига тегишли масалалари ўз аксини топди.

Хулоса ўрнида «Қарақалпақстанның жаңа тарийхы» асарида қози судлари, совет судлари фаолият юритганлиги умумий тарзда қайд этилди. Аммо ушбу асарларда суд-ҳуқуқ тизими ва прокуратура фаолияти яхлит ва даврий изчилликда ўрганиш мақсади қўйилмаганлиги боис, бу масала ўз ечимини топа олмади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX асрнинг биринчи чорагида Амударё бўлими, кейинчалик вилоятида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ҳаёт, суд ва прокуратура органлари тарихи масаласи алоҳида яхлит илмий мавзу сифатида олимлар томонидан махсус тадқиқ этилмаган.

Адабиётлар

1. Сулейманова Х.С. Исторический очерк о создании советских судов в Узбекистане. // Советское государство и право, 1949, №3. – С. 61-69.
2. Уразаев Ш. Туркестанская АССР и ее государственно-правовые особенности. – Ташкент: Госиздат, 1958.
3. Мильштейн Н. Из истории Туркестанской ЧК. – Ташкент: «Наука», 1965.
4. Бакиров Ф. СССРда суд ва прокуратура тузилиши. – Тошкент: 1962.
5. Абидова Н.И. Суды казиев и особенности процесса их ликвидации в Узбекской ССР (1917-1928 гг.): Автореф. дис.. канд. истор. наук. – Ташкент: 1974.
6. История Каракалпакской АССР. В 2-х т. Т. 2. – Ташкент: «Фан», 1974. –С. 455
7. Досумов Я.М. Очерки истории Каракалпакской АССР (1917-1927 гг.). – Ташкент: Изд. АН. УзССР, 1960.
8. Уббиниязов Ж. Қарақалпақстан биринши рус революциясы жылларында. – Нөкис: 1966.
9. Тўхтаматов Т.Г. Амударьинский отдел. (Социально-экономическое и политическое значение для Хорезмского оазиса). – Нукус: 1977.
10. Палуаниязов К.А. Истоки рождения Республики Каракалпакстан. – Нукус: «Каракалпакстан», 1989.
11. Тореев А. Қарақалпақстанда 1916-жылғы халық көтерілиси. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1967.
12. Камалов С. Каракалпаки в XVIII-XIX вв. – Ташкент: «Фан», 1968.
13. Садыков Х.Дж. Политико-административное устройство Туркестанского генерал-губернаторства (1867-1917 гг.).
14. Садыков А. Россия и Хива в конце XIX - начале XX вв. – Ташкент: «Фан», 1972.
15. Ахунджанов Л. Создание и развитие социалистической государственности в советской Каракалпакии. – Нукус: «Каракалпакстан», 1984.
16. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1998.
17. Мирзиёев Ш. 2018 йил – фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили. // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. № 258 (6952).
18. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент: «Шарқ», 1998.
19. Мустабид тузумнинг Ўзбекистан миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. / Илмий муҳаррир Д.Алимова. – Тошкент: «Шарқ», 2000.
20. Исаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917 гг.). – Ташкент: «Фан», 1997.
21. Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX - первой четверти XX вв. – Ташкент: «Университет», 1999.
22. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. / Науч. ред. Р.Раджапова. – Ташкент: «Шарқ», 2000.
23. Зияева Д.Х. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
24. Зияева Д.Х. Ўзбекистон шаҳарлари. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида. – Тошкент: 2013.
25. Хайдаров М. Централизаторская политика Советской власти в Туркестане ее последствия (1917-1924 гг.). автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент: 1998.
26. Зайнобиддинов Н.С. Истории развития судебной системы в средней Азии в конце XIX – начало XX веков. автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент: 2006.
27. Комолов Д.П. Туркистон АССРда суд тизими тарихи (1917-1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди.дисс. – Тошкент: 2008.
28. Ерметов А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918-1924 йиллар). дис. ... канд. ист. наук. – Тошкент: 2006.
29. Бобоматов Т.М. Репрессивные органы как инструмент колониальной политики царской России в Туркестане (1865-1971-гг). автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент: 2006.
30. Ишанова Ш.А. Нормы шариата и применение их казийскими судами Средней Азии до 1924 года. автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: 1992.

31. Кабулов Х.А. Судебная власть в Республике Каракалпакстан. (Историко-правовое исследование). автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: 2012.
32. Махбубов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: Институт философии и права им. И.Муминова, 1993.
33. Қошанов Б.А. Большевики в Туркестане, 1917-1922 гг. Доктрина и реальность. автореф. дис. ... док. ист. наук. – Москва: 1994.
34. Сейтназаров М.С. История национально-освободительного движения в Каракалпакстане (1917-1920 гг.). автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус: 1999.
35. Таўмуратов Н. Қарақалпақстанда тартип қорғаў уйымларыныў уйымларынын тарийхы. (1873-2010-жж.). – Нөкис: «Илим», 2011.
36. Қарлыбаев М.А. Туркистан топламы тарийхий дерек ретинде. // Вестник ККОАН РУз, 1994, №2. – С. 134-137.
37. Бабашев Ш. Репрессии. Депортация. Преступления против человечества. – Нукус: «Қарақалпакстан», 2014.
38. Джумашев А.М. Амударьинский отдел между двумя революциями: февраль-октябрь 1917. 2017. – С. 48-57.
39. Қарақалпакстанның жаңа тарийхы. Қарақалпакстанның ХІХ әсирдиң екинши ярымынан ХХІ әсирге шекем. – Нөкис: «Қарақалпакстан», 2003.